



# ТИББИЁТ ОЛИЙГОХИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ КОМПИТЕНЦИЯ ШАКЛАНШИДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Рустамова Сурайё Шахобиддиновна

Тошкент тиббиёт академияси "Ўзбек ва чет тиллари" кафедраси катта  
ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада тиббиёт олийгоҳи талабаларида касбий компитенцияни шакллантиришида таълим технологияларидан фойдаланиши масаласи ёритилган.

**Калит сўзлар:** технология, педагогик технология, интерфаол методлар, таксономия, мунозара, ақлий хужум, ажурали арра, кластер, синвеин, организерлар, ВЕНН диаграммаси, "T" схема.

**Abstract.** The article describes the use of educational technologies in the formation of professional competence of medical university students.

**Key words:** technology, pedagogical technology, interactive methods, taxonomy, discussion, brainstorming, jigsaw, cluster, sinvein, organizers, VENN diagram, "T" scheme.

Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукаммал тайёргарликдан ўтган қадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг шаклланиши унинг муносиб касб-корни эгаллаши жамият тараққиёти учун баҳоли қудрати ўз ҳиссасини қўшиб яшashi ва шу орқали жамиятда ўзлигини намоён этиши яъни шахснинг камол топиши назарга олинади. Комиллик сари интилиш шахснинг касбий шаклланиши билан биргаликда яхлит ҳолда кечадиган ва деярли бир умр давом этадиган мураккаб жараёндир.

Кенг маънода касбий шаклланиш деганда инсоннинг ўз ақлий қобилиятлари жисмоний имкониятлари у ёки бу соҳага бўлган лаёқатлари, қизиқиш ва интилишлари, шунингдек қадрият ва дунёқарашларига кўра бирор бир касб соҳасида таълим олиш кейинчалик шу соҳага киришиб, мослаша бориши ва ниҳоят йиллар давомида етук ва малакали мутахассис этишиши тушунилади. Хусусан малакали мутахассисларни этиштириш ана шу соҳа эгаларига бугунги кунда қўйилаётган талаблар тизимини ўрганишдан бошланиши лозим. Замонавий шифокор қандай бўлиши керак. Шифокори умумий билим, умумий қўникма, маҳсус билимга эга бўлиши, шунингдек маълум амалий қўникмаларга эга бўлиши керак.



Шифокор эга бўлиши керак бўлган умумий қўнилмалар қўйидагилар:

1. Унинг ҳаёти жараёнида инсон физиологик функцияларини шакллантириш ва тартибга солишнинг асосий қонунларини баҳолаш.

2. Инсон танасининг ёш хусусиятларини ва унинг функционал тизимларини тушуниш.

3. Одамларнинг кенг тарқалган касалликларини даволаш ва олдини олишнинг доривор ва доривор бўлмаган усулларининг назарий асосларидан фойдаланиш.

4. Клиник фанларни чуқур ўрганиш.

5. Касалликларнинг эрта ва яширин шаклларини ва хавф омилларини аниқлашга қаратилган профилактика ишларини амалга ошириш.

6. Ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйиш.

Юқорида айтилганларнинг барчасини инобатга олган ҳолда бўлажак тиббиёт ходимида зарурий компетенцияларни шакллантириш муҳим эканлигига ишонч хосил қиласиз. Компетентлилик-билимдонлик, касбига мослиқ, малакалилиқ, тажрибалилиқ, ўз соҳасини, ишининг устаси бўлиш, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш демакдир.

1) у ёки бу саволнинг жавобидан хабардорлик;

2) ишда керакли натижаларни қўлга киритиш юзасидан зарур қарорларни қабул қила олиш қобилияти.

3) муаммоли, низоли, зиддиятли вазиятларнинг оптимал ечимларини топиш ва хал этиш компетентликдан далолат беради.

Педагогик компетентлик деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик функцияларни бажаришга тайёрлик ва қодирликни белгиловчи профессионал-шахсий хусусиятлар тушунилади. Тиббий таълимда юқорида қайд этилган компетенцияларни шакллантириш учун аввалам бор талабаларда касбий мотивларни шакллантириш керак бўлади, чунки айнан мотивлар талабаларни ҳаракатга келтирувчи асосий локоматив ҳисобланади.

Тиббий таълимда касбий компетенцияни шакллантириш учун эса интерфаол технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки бундай ёндашув талабанинг фаол иштирокига ва самарали натижага йўналтирилган. Ўқитишига технологик ёндашиш, яъни ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчан тавсифга эга бўлишини таъминлашга оид дастлабки изланишлар асримизнинг 50-йилларида америкалик педагог олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, “ўқитиши технологияси” ибораси ҳам, биринчи марта америкалик олим Скиннер томонидан ишлатилган. У ўқитиши технологияси – психология фани ютуқларини амалиётда қўллашдан



иборат деб таърифлаган. Педагогик алоқалар ва технологиялар ассоциацияси матнлар қўмитаси профессори Гольбрайт эса, педагогик технология тушунчасига қуидагича таъриф беради: “Ўқитиш технологияси – илмий ва бошқа билимларни амалий масалаларни ҳал этишда системали равища қўллашдан иборат”.

Психолог Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек, «таълим тизимида педагогик технология иборасининг пайдо бўлишига қуидагилар сабаб бўлган: 1) дидактика қоидаларини барча мамлакатларда (хусусан, АҚШда) кенг тарзда оммалашмагани, 2) унинг қоидалари ўта конструктив тусда бўлмай, замон талабидан орқада қолганлиги ва 3) асримизнинг 60-йилларида таълим жараёнига техникавий дас-турланган таълим машиналарининг кириб келганлиги».

«Интерфаол» тушунчаси инглизча «interact» сўзидан олинган.( «inter» – «биргаликда», «act» – «ҳаракат қилиш»). Интерфаол ўқитиш – бу когнитив фаолиятни ташкил этишининг маҳсус туридир. Унда тўлиқ, аниқ ва режалаштирилаётган мақсадлар бўлади. Ушбу мақсадлардан бири – ўқитиш жараёнида шундай юқори даражадаги шароит яратиш керакки, унда тингловчи ўқитиш жараёнини продуктив жараёнга айлантирувчи ўзининг муваффақияти, интеллектуал даражасини англаб етиши лозим. Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир талаба ўз мотивлари ва интеллектуал даражасига мувофиқ равища турли даражада ўзлаштиради.

Интерфаол таълим технологияси – ҳар бир ўқитувчи барча талабалар кўзда тутилгандек ўзлаштирадиган машғулот олиб боришни таъминлайди. Бунда ҳар бир талаба ўз мотивлари ва интеллектуал даражасига эга холда машғулотни олдиндан кўзда тутилган даражада ўзлаштиради.

- Давра сухбати
- Ишchanлик ўйинлари
- Кичик гурухларда ишлиш
- Кичик маъруза
- Мунозара
- Ўқув мунозараси
- Ақлий ҳужум
- Дебатлар
- Кичик гурухларда ишлиш
- Ролли ўйинлар
- Case-study (конкрет, амалий вазиятлар тахлили)



Юқорида айтилғанларга мувофиқ педагогик технологияни амалда құллашнинг қуидаги асосий хусусиятларини күрсатыб үтиш мүмкін.

1. Талаба үқитилмайды, у мустақил үқишиңа үргатилади. Бунинг учун талабани мустақил равищда үқув материалини таҳлил қилиб үзлаштириш, фикрлаш, ижодий мұлоҳаза юритиб, шахсий хулосаларга келишга үргатиб борилади.

2. Талабага билимлар тайёр ҳолда берилмайды, у билимларни манбалардан мустақил равищда ола билишга үргатилади. Бунда талабанинг, аввало, дарслик билан, сұнgra құшимча адабиётлар, интернет тизими, справочниклар ва шу кабилардан мустақил фойдаланишга үргатиши орқали үқитувчи дарсда үргатғанларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириб боришга үргатилади.

3. Барча талабаларнинг үз қобилятларига яраша билимларни үзлаштиришлари кафолатланади. Бунда талабанинг үзлаштириши унинг үрганған билимларидан ҳаётда амалий фаолиятда, фойдалана олиш күнікма ва малакалари даражаси билан белгиланади.

Педагогик технология таълим тизимида мазмунан унга тегишли бўлган дастурлар, дарсликлар ва үқув қўлланмалар, қўргазмали қуроллар ва техник воситаларни умумлаштириш жараёнидир. Талабаларда ҳиссиёт динамикасини мақсадга мувофиқ равищда йўналтирувчи миллӣ истиқлол ғоясини үзлаштиришга ундовчи турли адабий кечалар, учрашувлар ташкил қилиш, у ёки бу даврдаги иштирокчилар фаоллигини оширишга хизмат қилувчи барча таълимий ва тарбиявий методлардан оқилона фойдаланиш билим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Талабаларни биринчи курсларданоқ интерфаол педагогик технологияларнинг улар ёшига мос элементларини қўллаб дарсларни ташкил этиш үқув жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришда катта ижобий натижалар бераётганини кўрсатади. Интерфаол дегани бу - үқитувчи ва үқувчиларни ўзаро ҳамкорлиги асосида дарс самарадорлигини ошириш, Талабаларда мустақил фикрлаш, фикр-мұлоҳаза юритиши, мунособат билдириш кўнижасини шакллантириш демақдир. Бу усулда талаба ўзи фаол иштирок этган ҳолда, якка, жуфтликда гурухларда муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қиласи, фикрлайди, баҳолайди, ёзди, сұзға чикади, далил ҳамда асослар орқали қўйилған масалани ёритиб беришга ҳаракат қиласи. Бу эса талабаларнинг хотирасида узоқ сақланади. Янги мавзу (ахборот) үзлаштиришда танқидий, таҳлилий ёндошилади. Үқитувчи факат фасилитатор (йўл-йўриқ кўрсатувчи, ташкил қилувчи, қузатувчи) вазифасини бажаради.



Хар бир дарс турининг педагогик мақсадлариға эришиш учун ўқитувчи ўзининг интеллектуал салоҳиятини сафарбар этиши, илғор педагогик тажрибадан фойдаланиши ва ниҳоят, методни танлаш ҳақиқий ижодий актга айланиши лозим. Интерфаол педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарсларнинг афзалликлари шундан иборатки, бундай дарслар тизими тафаккурни чархлайдиган, Ватанга чексиз муҳаббат, садоқатни, фуқаролик ахлоқи ва демократик маданиятни шакллантирувчи фан асоси бўлиб хизмат қиласиди. Фанларни ўқитишида “Гурухлар билан ишлаш”, “Мунозара”, “Муаммоли ўқитиши”, “Ақлий хужум” каби методлар, шунингдек жадваллар билан ишлаш, мустақил фикрни ифодалайдиган ёзма ишлар, иншолар ёзиш ўқувчилар фаоллигини оширади. Бу методлар асосида олиб борилган ана шундай дарслар вақт тежамкорлиги билан бирга, янги билимларни ўқувчига етказиб беради, шунинг билан бирга талабани ўйлантирадиган, чукур мушоҳадага ундейдиган, бутун дикқат эътиборини ўзига жалб қила оладиган, муаммоли вазиятлар, баҳс-тортишувларда тўғри хулосалар билан вазиятдан чиройли чиқиб кета оладиган ва олган билимларини бошқа мавзулар билан боғлаб, умумлаштирадиган шароитга эга бўлади.

Ўқув жараёнида талабалар фаоллигини оширувчи ўқитиши методларидан бири “Кичик гурухларда ишлаш” методидир. Бунда талабалар кичик гурухлрга бўлинниб ишлайдилар ва бу жараёнда ҳар бир гуруҳ бир-биридан ўрганишга, ўрганганларини ўз салоҳиятлари доирасида баҳолашга, турли вазиятларда билимларни қадрлаб, хулоса чиқаришларига имкон яратилади.

“Ақлий хужум” бирор муаммони ечишда иштирокчилар томонидан билдириладиган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум ечимга келинадиган энг самарали методдир. Бу метод орқали талабанинг ижодий-техник қобилиятини ўстириш, ривожлантириш, уларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш мумкин. Бунинг учун талабаларга, ҳақиқатдан йироқ бўлган таклифларни қабул қиласалар ҳам, ижодий ёндошишлари учун ёрдам берилади; ҳамма фикр ва таклифлар, улар қанчалик ғайриоддий туюлмасин, ёзиг борилади; вақт белгиланади, бир-бирлари билан ишлаб чиқсан таклифлар ўртоқлашади. Бу методни қўллаш ривожланган давлатларда яхши натижалар берган.

Интерфаол метод нечоғлик ўқитишининг муайян актини тавсифласа, у шунчалик кўп ўқитиши самарасини таъминлайди. Масалан, педагог асосий метод сифатида “мунозара”ни танлайди ва уни ўтказиш мантиқини қуради, шунингдек мунозара давомида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “ақлий хужум” дан фойдаланади, бу эса кутилган самарани беради. Интерфаол ўқитиши методларларини танлашнинг кейинги



мухим шарти уларни энг мақбул чоғишириш мезонларини ҳисобга олишни тақазо этади. Интерфаол методларни танлаш мезони уларнинг таълимтарбия ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигидир. Бу мезон турли хил методларнинг у ёки бу доирадаги вазифаларини ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда уларнинг имкониятлари турличадир.

Интерфаол методларнинг барчаси талабанинг фикрлаш мустақиллигини таъминлайди, ўқитишда бир қолипликни ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимларнинг ролини бирмунча оширади.

Интерфаол методларнинг рӯёбга чиқариш шакллари жорий этиш воситалари каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, ажурли appa, менюлар оғзаки сўз, дарслик ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, кластер, синквейн, ўз ўрнингни топ каби методлар ўқитувчининг олдиндан кўрсатиб берган фаолият усулларини такрорлашини тақазо этади.

Интерфаол методлар ўз мохиятига кўра таълими ёки тарбиявий максадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминласа-да, бироқ, уларнинг хар бири таълим ёки тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш буйича турли имкониятларга эга. Шу сабабли педагоглар интерфаол методдарни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки хал килиниши лозим булган масалага эътнбор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Колаверса, интерфаол методларнинг самарадорлиги янада ошади, качонки, уларни қўллашда таълим олувчи талабаларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёкараш даражаси, хаётий тажрибалари инобатга олниса. Бу педагоглардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирилик ва интуицияга эга булишни тақозо этади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Замонавий таълим тизимида касбий коммуникатив компетентлиликтининг мохияти ва тузилмаси. М Ахмедова, Н Аскарова, Д Анварова - Общество и инновации, 2022.

2. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения / Учебное пособие. Под ред. Т.С.Паниной. - 4-е изд., стер. - Москва: Издательский центр "Академия", 2008. - 176 с.



3. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение / Учебное пособие. - Москва: Издательский центр “Академия”, 2009. - 192 с.
4. Психолого-педагогическое сопровождение реализации инновационных образовательных программ / Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. - Москва: Изд-во МГУ, 2007. - 120 с.
5. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ. НА Аскарова, ЗИ Сайфуллаева - 17December, 2021,
6. PSYCHOLOGICAL FEATURES OF ADAPTATION OF STUDENTS ABROAD. AN Abdivalievna - Innovative Society: Problems, Analysis and ..., 2022.
7. PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF EDUCATION IN ISLAM. NA Askarova - Academic research in educational sciences, 2022